

Ушбу сонда:

2 Газетада газетхонга ўрин бор

Хатто 3-4 ойда бир мартаба чиқадиган журналларнинг ҳам "махсус мухбир"лари мавжуд. Даврий нашрлар адади беш минг нускага ҳам етмай турган бир пайтда виллоят мухбирига маош берилишига ишониш қийин.

3 Ҳамфикрлилик — фаол ҳамкорлик омили

Сингапур дунёнинг энг йирик молия-савдо марказидир. У банклар, халқаро молия ташкилотлари, трансмиллий корпорациялар ваколатхоналари сони бўйича Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларидан кейин учинчи ўринда туради.

4 Хўжаиспарозга келинг

Асо тутни кесаётганларида, арранинг ўрнидан қон отилиб чиққани ҳақида ривоят ҳам бор. Бундан кўриб кетган тутни қирқаётган одам ўша жойда ўлади. Арра тортишга яна бир кишини олиб келишди, у ҳам кўриб кетиб ўлади.

HURRIYATга
2007 йил учун обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг,
ютқазмайси!
Нашр кўрсаткичи — 233



«Атиргул»
танловига марҳамат!

Азиз ижодкор дугоналар!
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Журналист аёллар клуби" журналист хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш ва интеллектуал савиясини юксалтириш мақсадида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишлаб журналист аёллар ўртасида "АТИРГУЛ-2006" танловини эълон қилади.

Танловга 2006 йилнинг 15 февралдан 2007 йилнинг 15 февралгача бўлган вақт мобайнида матбуот саҳифаларида босилиб чиққан, радио тўлқинлари орқали эфирга узатилган ҳамда телеэкранларда кўрсатилган материаллар (5-10 та) 2007 йилнинг 1 мартгача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материалларга муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти, телефони, манзили ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолиблари мукофотлар Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга марҳамат! Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар "Атиргул-2006" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши керак:
Тошкент-129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават 30-, 37-хоналар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел: 144-64-62; 144-37-87, факс: 144-69-65
Электрон почта: ijod@sarkor.uz
Веб-сайт: www.journalist.uz

Анжуман
Асосий тамойилга содиқлик

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани бунинг амалий тасдиғидир

Иснат ХУДОЁРОВ

Мамлакатимизда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини ҳар йили тантанали ва ўзига хос тарзда нишонлаш анъана тусига кирди. У миллий ғурури бор ҳар бири киши учун энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик кунидек қадри ва аҳамиятлидир. Шу кун аввало, навбатдаги йил қандай номланаркин, деб ҳаяжон билан кутилади. Шу кун Мустақиллик байрамида тақдирланган барча кишиларга Ватанимизнинг энг олий ва юксак мукофотлари тантанали суратда топширилади. Шу кун ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, йўналишлар, мезон-мақсадлар мазмун-моҳиятига яна бир бор эътибор қаратилади, баҳо берилди, ўтаётган йилга маълум маънода яқун ясалади, янги ном олган йилнинг моҳияти, мақсад-вазифаларига уруғ берилди... Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида "Хуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқлар"га эришилгани, миллий тараққиётнинг ўзига хос модели, ривожланишининг босқинча-босқич йўли, инсон онгу тафак-



куруни тадрижий ўзгариши, халқаро эътироф, умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг амалий эҳтиёжи, асосий омили ва сабаблари изоҳланди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да амалга оширилган ишларга баҳо берилди. Маълумотларга қараганда, дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм сарфланган. Унинг 233 миллиарди бюджетдан, 151 миллиарддан зиёдроги эса ҳомийлар, идора ва ташкилотлар ҳисобидан ҳаражат қилинган. Ана шу рақамларнинг ўзи ҳам амалга оширилган ишларнинг нақадар кенг кўламли эканигидан далолат беради.

Мамлакатимиз раҳбари 2007 йилни юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилар экан, аввало унинг маъно-маъ-

муни, аҳамиятига эътибор қаратди. "Ҳаммангизга маълумки, — деди Президент Ислом Каримов. — Ўзбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизда машҳур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи ҳам туради". Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунчилиги, сабаб ва оқибатлари бор. Ана шу йўлни танлаган ҳар қандай мамлакат бундай ҳолатларни бошидан ўтказмаслиги мумкин эмас. Ва бу жараён, айниқса, дастлабки босқичда аҳолининг маълум бир тоифаси, турмушига таъсир этиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланган. Ижтимоий муҳофазага биринчи галда қимлар эҳтиёж сезиши мумкин? Булар — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерлар. Демак, давлат биринчи галда ана шуларни ҳар томонлама ҳимоя қилишни ўз зиммасига олмақда. Тақдим қилинган маълумотларга қараганда, 2006 йилда давлат бюджетининг социал ва аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган у м у м и й харажатлари 51 фоизга етган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 54,1 фоизни

АХВОЛ

Маълумки, ўтган йилнинг октябрида бўлиб ўтган Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида Президентимиз виллоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги бир қатор камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Жумладан, бозорлар масаласида ҳам сўз юритиб, шундай деган эдилар: "Шу юрtdа яшовчи ҳар бир одам яхши билада — бозорнинг аҳоли, бозордаги нарх-наво одамларнинг кайфиятига бевосита таъсир қилади".

Тепки

ёхуд инсофнинг килоси неча сўм?

Солиҳ ҚАҲҚОР,
"Hurriyat" мухбири

Турган гап, таъсир қилади. Бозорга кирсангиз-у, у ерда саранжом-сарашталлаш, озодалик бўлмаса, тўкин-сочинлик, худди умумла бўлмаса, нарх-наво чўнтакни чақиб турса...

Биз энди шаҳар бозорларини ишгол қилиб бўлган олибсатарларга кўникиб, улар билан қалинлашиб кетдик. Каминанинг ўзи неча йилдирки, гуручни фақат Полвонтош деган одамдан, сузма қатқини Халича холадан, картошкани Бадириддиндан, пиёзни Истад калтадан, гўштни эса Болта қасбодан олади. Дуруст-рогини беради. Тарозидан урмайди. Боз устига ҳол-аҳвол сўраб, кўнгли ҳам кўтариб кўяди.

Олибсатарнинг нимаси яхши? Шуниси аниқки, неча километр йўл босиб келиб, бозорда ўтиришга ҳозирги деҳқоннинг вақтия, ҳафсаласиям йўқ. Улғуржи ишга нима етсин. Уч-тўрт сўм камига бўлса-да сотиб, оилага керакли нарсаларни харид қилсан-да, эрта куннинг ёруғида қайтсан. Олибсатар эса шаҳарда яшайди. Каллаи саҳардан шом қоронғусигача тиним билмайди, бозорни тўлдириб, шаҳарликнинг ҳожатини чиқариб туради. Инсоф доирасидаги савдо-сотик эвазига бу ҳам ўз оиласини боқадил!..

Албатта, улар қаторида деҳқондан арзон-таровга олган нарчасини уч-тўрт баравар қимматига пулловчи ва бошқаларнинг шунга ундовчи олиб-

Танлов

Ижтимоий-экологик ҳимоя

уни энг яхши ёритган тахририят ва журналистлар тақдирланадилар

МУХБИРИМИЗ

Кун кеча Миллий матбуот марказида "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан "Орол бўйи минтақаси: аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Орол бўйи минтақасидаги бугунги аҳвол, мавжуд муаммолар ҳақида атирофчи маълумот берилди. Айтилишича, Орол бўйида глобал экологик муаммо ҳужумчилик қилмоқда. Сўнгги 30-40 йиллар ичида денгиз сатҳи 1,7 бараварга пасайди. Сув ҳажми 9,6, акватория майдони 3,8 баробарга қисқарди. Денгиз соҳилларидан 100-150 километрга чекинди, қуриб қолган тум майдони 45 минг кв/км га етган. Чанг бўронларининг таъсир этиш радиуси 300 километрни ташкил этади... Бундай ваҳимали рақамларни яна истаганча давом эттириш мумкин. Ва бу аҳвол табиийки, мазкур минтақа аҳолисига ижтимоий ёрдам кўрсатилиши талоққа эртади. Зеро, "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурида ана шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро конференцияда экологик муаммоларнинг салбий ижтимоий оқибатларини камайтиришга қаратилган қўшимча ва керакли чора-тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама ҳаракатни янада фаоллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бозорларимиздаги нарх-наво ҳақида гап борганда, биз одатда, "барибир қиммат" деб қўйишга ўрганганмиз. Айни пайтда "Фарғона марказий деҳқон бозори"да ўртача нарх-наво: мол гўшти 3600 сўм. Картошка 600-650 сўм. Пиёз 250-300, гуруч 1000 сўм ва ҳоказо.

Одатда, "барибир қиммат" дейиш қаторида, биз бу махсулотлар ҳозирги шароитда не-не қийинчиликлар билан етиштирилиши ва бозорга кириб келишини ҳамisha ҳам ҳисобга олавермаймиз. Оқдй бир мисол: баъзилар маза-матрасиз алланечук бананининг бир килосини 2,5-3 минг сўмга сотиб олишдан қочмайдилар. Лекин тилими тили ёрар, 5 килоли қовунимизни 500 сўмга сотиб олишга оғринадилар.

Танлов

Ижтимоий-экологик ҳимоя

уни энг яхши ёритган тахририят ва журналистлар тақдирланадилар

МУХБИРИМИЗ

Ва бу борада қилинган, режалаштирилган тадбирлар яна бир назардан ўтказилди.

Халқаро конференция доирасида "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликда "Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида аҳоли ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалалари ёритилган энг яхши журналистик иш" Республика танловининг тақдими бўлди. Уни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов эълон қилди. Танловда барча давлат ва нодавлат, республика, вилоят ва туман доирасида чиқадиган ОАВ ва уларнинг вакиллари иштирок этишлари мумкин. Танловнинг ташкилий қўмитаси ижтимоий-экологик муаммоларни бартараф этишда қизиқиш билдирган ташкилот, муассасалар ва ҳомийларга танлов доирасида ўзларини номинаторларини таъсис этишга имконият очиб беради. Танловга ижтимоий-экологик муаммоларга дахлдор бўлган, 2007 йилни 1 февралдан 1 июнигача ОАВ-да эълон қилинган, эфирга узатилган материаллар тақдим этилади. Танлов ғолиблари жорий йилнинг 27 июнь — Ўзбекистон Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни эълон қилинади, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Босилмасида

Кумқўрган тумани прокуратураси томонидан фуқаро Э. Юлдошев ва бошқаларнинг Термиз шаҳридаги 131-МКЖ қурилиш ташкилоти томонидан тумандаги 33-мактаб бизнес сифатсиз таъмирланганлиги, синфларда ўқиш учун шартнош яратилмаганлиги тўғрисида ёзилган аризаси ўрганиб чиқилди.

Ф. ШАЙМАНОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлт умумий миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-қарорига асосан 2006 йил Кумқўрган туман марказидаги 33-умумтаълим мактабининг мукамал таъмирлаш режалаштирилган.

Вилоят тендер комиссиясининг 2005 йил 21 ноябрь куниндаги хулосасига кўра ушбу мактабни мукамал реконструкция қилиш ишларини баҳарчида Термиз шаҳридаги "131-Механизациялашган кўча жамланмаси" масъулияти чекланган жамияти ғолиб деб топилган ва унинг учун 144 млн. сўмлик маблағ ажратилиб белгиланган.

Буюртмачи билан тузилган шартномага мувофиқ, мактабни мукамал таъмирлаш ишлари 2006 йил 1 август кунига қадар тугаланиши ва фойдаланишга топширилиши белгиланган эди.

Таъмирлаш ишлари олиб бориш учун ажратилган маблағ айрим ҳолларда кечиктирилганлиги сабабли "131-Механизациялашган кўча жамланмаси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ушбу мактаб шартномада белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаган ва 2006 йил 4 август кунги мавжуд шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисидаги битим имзолашиб, фойдаланишга топшириш муддати 2006 йил 31 декабрь қилиб белгиланган.

Ушбу ҳолат юзасидан Кумқўрган туман прокурори томонидан 2006 йил 28 август кўни "131-Механизациялашган кўча жамланмаси" масъулияти чекланган жамияти бошқарувчи раиси Ш. Қобиловага нисбатан қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида оғохлантирув эълон қилинган. Таъмирлаш ишлари шу кунларда тўлиқ якунланиш арафасида турибди. Ана шундан кейин мазкур мактаб ҳам маромида ишлаб бошлайди.

Давоми 2-бетда.



Асосий тамойилга содиқлик

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Республика семинари бошқари раҳбар билан беғалол сарфланаваради. Пировард самара эса ҳеч қимми қизиқтирмайди. Ёки бўлмаса, "хусусийлаштириш" баҳонасида вилоятларда қанчадан қанча иншоотлар, темир-бетон конструкциялари буздирилиб, хомташ қилиб юборилди. Бироқ бозор бошлигини ҳузурга қорлаб, "Анави сув текин қурилиш материалларидан олиб бориб, бозорингни ўнглаб ол", дейдиган жумард раҳбар бўлдимиз?


Семинар асосан бешта йўналиш доирасида ўтди. Биринчи, яъни "ОАВ"нинг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов мақолатини Конституциянинг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузасидан келиб чиққан вазифалари" мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмухаммедов маъруза қилди. Эътироф этиш жоизки, асосий маъруза ана шу мавзу олдидан мунозаранида жиддий ва жўяли фикр-муҳоказлар билдирилди. Афсуски, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий мавзуда чуқур ҳамда тахлилӣ ёза оладиган журналистларни кўп деяр олмайдим. Танқидий-таҳлилӣ материаллар ислохотларни амалга оширишга хизмат қилиши керак, дейилди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилди. ОАВ вакиллари у дастур ижроси бўладини ёки бошқа воқеликми содда ва аниқ мисоллар ёрдамида ёритишлари керак. Бир сўз билан айтганда, ёзилганда, тайёрланганда газета ва журнал материаллари кўрақ бўлиб қолмаслиги зарур, дейилди.

Республика семинаридаги "Ислохотлар инсон, унинг манфаатлари учун. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликларнинг ҳуқуқий асослари", "Бугунги матбуот: сифат ва истиқбол", "ОАВ ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш масалалари", "Босма ОАВ воситалари хартисия" ва "Босма ОАВ журналистларининг ахлоқ-оқибат кодекси"ни журналистлар фаолиятига кенг татбиқ этиш масалалари" мавзусидаги маъруза ва мунозаралар ҳам қизғин ва очиқ баҳс-мунозара рўйида ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раиси, "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газетаси бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов мунозаранида сўзидан бундай анжуманларнинг, айниқса, биз каби вилоят ва туман миқёсидаги босма нашрлар журналистлари учун фойда ва самараси ниҳоятда катта бўлади, деди. Жаҳонгир Исмоилов, назаримизда, барча семинар иштирокчиларининг фикр ва хулосасини ҳамлашгандай бўлди. Дарвоқе, айна шундай семинар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилиши режалаштирилган. Қуни кеча ана шундай тадбир Жиззах вилоятида бўлиб ўтди. (Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сониде ўқийсиз).

Авал хабар қилганимиздек, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида "Қелажақ овози" республика кўрик танлови ўтказилган ва уни янада кенг миқёсда ўтказилишини таъминлаш мақсадида Жамоат фонди босма ОАВ журналистлари ўртасида кўрик-танлов эълон қилган эди. Семинар доирасида ана шу танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Биринчи ўрин "Халқ сўзи" газетаси мухбири О. Файзиёв, иккинчи ўринга "Хоразм ёшлари" газетаси бош муҳаррири П. Эрматов, "Адолат кўзгуси" (Сирдарё) газетаси маъсул котиби Д. Жарбекова, учинчи ўринга "Туркистон" газетаси мухбири Т. Холиқов, "Термиз оқшони" газетаси бош муҳаррири Г. Саидмаликов, "Uzbekistan Today" газетаси мухбири А. Деметъева, "Маҳалла", "Қалб садоси", "Насиф", "Масрифат", "Бежазон", "Деловой партнерЪз", "Хордиқ" газетаси вакиллари, "ИнтерПресс-Инфо" аxbорот агентлиги, "Молдѳжъ Ўзбекистана" ва "Даракчи" газеталари рағбатлантирувчи муқофотларга сазовор бўлдилар.

Тепки



Ўзи оқлаб кетармикин? Ўшанда ҳоқими:

— Бир кун келиб, тўрттагина қувасойлик деҳқон етиштирган нарсасини шу ерда сотадиган бўлиб қолса, бу иншоот ўша кунидеқ ўзини оқлаган ҳисобланади, — деб жавоб қайтарган эди.

Мана бугун энди мен унинг ўшанда чиндан ҳам ҳақ бўлганлигини ишонч ва ҳурмат билан эслаяпман. Афсуски, деҳқон бозорига бундайин эътибор ва журъдини маҳаллий ҳокимларнинг барчасида ҳам кўравермайсиз.

Аксинча, туманлардаги аксар деҳқон бозорлари белгисизлик оқибатида эски қопилларда қолиб кетди. Ривожланмади. Бор нарсаям тугаб бўлаёзди.

Мисол учун Ёзёвон бозорини олайлик. Ёзёвон Ёзёвон бўлиб дунёга келибдики, бу ернинг аҳолиси ҳали-ҳануз пештахтали бозор юзини кўрмаган. Одамлар ерда, тупроқ ёқуд лойга бериллиб ўтириб савдо қилишади.

Наҳотки туманнинг мутасадди раҳбарлари ақали қайси даврда яшаётганимизни шу вақтгача хис этмаган?

Фарғона туманига қарашли Чимён, Фуркат ва Бувайда, Данғара ва Ўзбекистон, Риштон ва Тошлок туманлари деҳқон бозорларида баъзан бошлиқ ўзгаришигина янгилик бўлиб қолади ҳолос. Шундай ҳоллар ҳам кўзга ташланмадики, деҳқон бозорининг тўрини буюм сотувчилар эгаллаган, деҳқон эса ташқарда, йўлақларда ўтириб савдо қилади.

Албатта, бозорни қайта қуриш ёки реконструкция қилиш, янги павилонларни барпо этиш ўз-ўзини деҳқон қолаверадиган иш эмас. Бунинг учун етарли маблағ ва вақт талаб қилинади. Вилоят бозорлар уюшмасида айтишларича, у-бу жойларда тегишли ишлар қилинганда деҳқоннинг лойиҳалар устида иш олиб борилапти экан...

Шу жойда Юртбошимизнинг ўша сессиядаги нутқидан яна бир иктибос келтирамиз: "Маҳаллий раҳбарларни оғоҳлантирмадсан, бу кимсасиз бозорни бориб кўрганимизда, фақат расмиятчилик, ҳар томонлама ўйла-масдан тузилган аҳоқнома лойиҳаларни амалга ошириш, икита одам сигмайдиган товуқнинг қатагидек, дўқончаларни қуришдек манзарага дуч келдик. Булар кимнинг ижоди, бундай юзаки ишларга қандай баҳо бериш мумкин?"

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бозорларда сунъий қимматчилик туғдириб турувчи асосий иллатлардан бири, юқорида айтганимиздек, олибсотарликдаги инсофсизлик бўлса, иккинчиси, тош-тарози билан боғлиқ қаллоблиқдир. Асосан шаҳар деҳқон бозоридан гўшти ёки гуручми, картошка ёқуд пиёз оласанми, хуллас, тарозигани ишинг тушдики, ҳадиқсираб турасан: уриб қолмадимикин? Кўп ҳолларда кутганингдек бўлиб ҳам чиқади. Олибсотар чўнтагидаги ўқлама тошлар қандай қилиб ишга тушиб кетганини сезмай қолсан, киши.

Кейинги ойлар ичида Фарғона, Қўқон, Регийлон шаҳарлари марказий деҳқон бозорларида нарх-наво дейсизми, озодалик ва саронжом-саришталик, пул тушумлари устидан назорат дейсизми, ҳар ҳолда айрим ижобий ўзгаришлар рўёбга чиқа бошлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ бу ўзгаришлар юқори идоралардан текширувчилар келган қунлардагина кўзга ташланмадсан, доимий қарор топган табиий ҳолга айлиниши кутилмоқда. Бу ёғи энди яна айланлиб келиб бевосита шу бозордан нон топиб елган кишиларнинг имон ва инсофларига боғлиқ бўлиб қолаёттир.

Вилоят аҳолисининг асосий кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Шу боис ҳам, туманлардаги

Акс-садо

Мирза Каримийнинг "Газетадан газетхонга ўрин борми?" сарлавҳали мақоласини ўқигач, бу борада ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашишга қарор қилдим.

Газетада газетхонга ўрин бор аммо унинг ҳамма ёзгани мақола савиясидами?

Фармон ТОШЕВ, Самарқанд вилоят "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири

Қонун билан химояланган сўз эркинлиги, аxbорот олиш қарориде ҳар бир фуқаронинг имовий аxbорот воситасида иштирок этиши мумкинлигини таъминлайди. Лекин бу қозоғга туширилган ҳар бир битигингиз саҳифа юзини кўради, дегани эмас.

Бундай тахлилӣ тизим аслида бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Масалан, суд ҳукмидан норози фуқаро юқори идорага адиокат ёрдамида ариза ёзади. Бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни рисоладагидек тайёрлаб берувчи ўнлаб тахлилӣ, мутахассислар бор. Айтмоқчиманки, тахририят ходими мақолани қайта ишлашда саҳифага тайёрлашда, котибининг эмас, балки адиокатнинг вазифасини бажаради. Шу жиҳатни учун маош олади. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, муаллифнинг матбуот ҳамма учун ошқора — миллионлар минбари бўлиши лозим, деган фикрга қўшилиман. Чунки одамларда ижтимоий фикр шакллантираман, деган ҳар бир нашр бу ақидага риоя этишга мажбур. Лекин шунини унутмаслик керакики, газета саҳифасида айтаётган гап миллионларга маъқул тушиши ҳам зарур.


Фикрининг исботи учун айрим мисолларни келтириб ўтаман. Қўшни вилоятдан келиб, саломатлигини тиклаётганлар Самарқанддаги санаторий ҳақида мақола келтиришди. Уни эълон қилдик. Кўп ўтмай, худди шу мавзуда яна хат келтирилди. Муаллифларга бир жойдан миннатдорчилик бериш ноқулай ва газетхон учун қизиқ эмаслигини тушунтирдик. Табиийки, улар биздан хафа ҳам бўлишди.

Нотариат, ФХДБ бўлими, суд департаменти ходимлари дегарли ҳар ойда ўз ҳисоботлари бўйича мажбурийлигини айтиб, ўз соҳасидан мақола келтиришди. Ваҳоланки, китоб, қўлланма, турли метърий ҳужжатлардан қўрилган матнлар газета қизиқарлигини таъминламайди. Айримларини оммабоп, ҳаётий тарзда ишлаб берамиз. Лекин кўпчилиги айбони ўзидан қидиришмайди. Мақоламини атайлаб чиқаришмайди деган фикрга боришади.

Жамоасида ис чиқарса ҳам газетда ёзишга қизиқадиганлар бор. Бир-икки мақоладан сўнг ҳам рад жавобини берамиз ёки обзорода эслатиб ўтамиз.

Масаланинг учинчи томони ҳам борки, бу нарсга тахририят ходимларининг ижодий ёндашуви, маъсулиятига бориб тақалади. Гап муаллифлар сафини кенгайтириш учун изланиш устида бормоқда. Бу борада тахририят ижодий жамоаси ёки тор доирадаги жамоатчи мухбирлар чиқиси билан қиёялашиб қолишяпти. Бинобарин, "Хуррият", "Ҳаёт", "Масрифат", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" тахририятлари бу борада барнамизга иборат кўрсатишяпти. Биз мажбур тажрибалардан фойдаланиш йўлини қидиришимиз. Бошқарма ва жамоат тахлилӣлари билан ҳамкорликда йилга 5-6 та турли мавзуда мақолалар танловини уюштирамиз. Ҳар ойда энг фаол жамоатчи мухбир номини ва чет муаллифларнинг энг яхши мақоласини аниқлаймиз, газетда эълон қиламиз.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат




Ҳамқасб

1968 йил Тошкент давлат университети — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини журналистика бўлими алоҳида факультет бўлиб ажратиб чиқди; иктидорли журналистларни етиштирди. Улар орасида Фаллаворол туманида туғилган Пардабой Тожиев ҳам бор эди. Улар журналистика факультетининг биринчи қалдирғочлари бўлишган.

Олтмиш ёшли мухбир

Ўқтам МЕНГЛИЕВ



Пардабой Тожиев Самарқанд телерадиокомпаниясида мухбирлик қилди. Кейинчалик ўз фаолиятини Жиззах вилоят телерадиокомпаниясида маъсул вазифада ишлаш билан давом эттирди. Кейинчалик у "Ўзбекистон овози", "Хуррият", "Маҳалла", "Туркистон" республика газеталарида фаолият кўрсатди. Пардабой ака ўзининг 40 йиллик журналистик фаолиятини ҳаётининг долзарб муаммоларини хал этишга қаратди.

Пардабой акаки радиожурналист сифатида ҳам анча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Газета билан радио ишини бирдек олиб бориш жуда мушкул иш. Бунинг уддасидан ҳамма ҳам чиқармайдими. Бунинг учун ижодкордан катта меҳнат ва маъсулият талаб этилади. Пардабой ака ана шу маъсулиятни микрофон олдида яхши ҳис қилади. Ҳар сафар телерадиоканалга келганда уни илиқ кутиб оладилар. Ўзбекистон радиоси "Оқшом тўқнақларида" аxbорот муносиқий эшитиришларида Пардабой акакининг қизиқарли радиоларини эшитганимиз. Айниқса, "Тилим — жони дилим", "Тадбиркорлик давр талаби", "Қишлоқдаги ўйлар" каби радио очерклар билан мухлислар эътиборини қозонган. Пардабой Тожиев публицист ҳамдир. Унинг "Сени эъзозлаймиз табият", "Ибратта айланган умр", "Шонли йўл" каби асарлари кўпчилига яхши таниш. У 1996 йил республика оммавий аxbорот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган "Меҳринг билан яшаймиз Ватан" кўрик танлови ғолиби.

Бугун устоз Пардабой ака Тожиев 60 ёши қаршиляпти. Одатда кўпчилик ижодкорлар 50 ёшдан кейин бирор муҳарририятда ўтириб ишлашни хоҳлаб қолади. Лекин Пардабой Тожиев ҳамон қўлида қалам билан дала кезиб ўз қаҳрамонлари билан учрашадиган микрофон тутиб қишлоқ одамларини сўхбатга тортади. Биз Пардабой Тожиевни 60 ёши билан қўллар эканамиз, у кишига сийҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Далолат

2006 йилда UZ домен ҳудудидаги Интернет сайтларимизнинг 34% га ўсди. UZ домен ҳудуди маъмурияти маълумотиға кўра, ўтган йилда 2145 та янги домен рўйхатга олинди.

Танловга

Қишлоқ тегирмонидаги ун қандай қилиб бойитилади?

Дурдона АЛИМОВА



Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси 261-оятда "Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган етита бошоқни ундириб чиқари..." дейилади. Дарҳақиқат, Аллоҳ мўъжизасини тафаккур қилишга баъзан инсон онги охилик қилади. Унинг қўли таркибида ила бўнбўлган ва бандаларга инъом этилган неъматларда буюк ҳикмат бордир. Масалан, дархатдаги меваларнинг ўзида тақши томондан қўшилган, табиий витаминлар, инсон организмни учун фойдали моддалар мавжуд.

Шундай неъматлардан яна бири бугдойдир. Унинг ҳам таркибида бир қанча кераклик микроэлементлар, қислоталар, витаминлар ва темир моддаси бор. Бугдойдан ҳар кун истаъмол қиладиган номиним тайёрланади. Албатта, бугдойдан нон ҳолига келтирилгунча, аввало, унга айлантириш, ундан хамир тайёрлаш, пишириш каби жараёнлар кечади. Ишлов бериш чоғида, афсуски, ундаги озикавий моддаларнинг аксарияти қисми йўқолиб кетади. Витаминлар эса организм учун зарур. Шунинг учун барча кераклик моддаларни яна унга қайтариш лозим. Қандай қилиб дейсизми? Бунга фақат унни бойитиш билан эришиш мумкин. Аниқроқ қилиб айтганда булмас, тегирмонларда ун ишлаб чиқарилаётганда ун витаминлар: фолий кислотаси ва темир моддаси билан тўйинтирилади. Бу моддаларга ишлов бериш жараёнида қийматини йўқотмаслиги учун қўнуний босқинда қўшилган ва яшилган аралаштириладики, нати-

жада бир сиким унда ҳам барча озикавий моддалар мавжудлигига эришилади. Бойитилган ундан пиширилган таом, нон ва бошқа маҳсулотлар ўз хусусиятини йўқотмайди, таъмида ҳам ўзгаришлар бўлмайди. Нон ёпиш жараёнида бойитилган ун 95 фоизгача ўзининг озикавий моддаларини сақлаб қолади. "Дон ризқ-рўзимиз", дейимиз. Ундан тайёрланадиган нон ҳам ҳар кунги асосий озикавий ҳисобланади. Қадимдан нон азиз тутилган, унинг ушогини ҳам ироф этишмаган. Бу бежиз эмас. Чунки нон ризқимиз эканлигидан ташқари соғлиқ ҳам ҳада этмоқда. Темир танқислиги камқонликларни, киши организмнинг нимжонлашуви, меҳнат унумдорлигининг пасайиши юзасига келмоқда. Темир моддасининг етишмаслигидан ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларда 5%, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларда 17%гача меҳнат унумдорлиги тушиб кетмоқда. АҚШда унни бойитиш 1938 йилда йўлга қўйилган. Ҳозирга келиб бир йилнинг ўзида мамлакат аҳолисидаги 100 минггача камқонлик, 5 минггача инсулти ва 25 минг инфаркт ҳоллари бартараф этипти. "The Week" журналида ёзилишича, Буюк Британияда унни бойитиш ҳомилида аёлларнинг организм учун зарур моддалар танқислигининг олдини олаётгани билан бирга, боласининг носоғломлиги гумон қилганидан аёлларнинг аборит қилдиришлари барҳам топди. Шу ва шу каби самарали натижалар туфайли Британия Озбек-овқат стандартлари агентлиги фақат бўлга эмас, батон нонларнинг унига ҳам микроэлементлар қўшишни тавсия қилди.

www.gzt.uz да берилган маълумотларга кўра, яқинда Тошкентга унни бойитиш учун зарур бўлган 85 тонна витамин ва минераллар қорихимаси олиб келинди. Ушбу қорихиша 700 минг тонна унни бойитиш учун етарлидир. Яна бир муҳим масала ун импорти. Четдан фақат бойитилган ун олиб келиш мақсадага мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, хусусий ун ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам унни бойитишга жалб этиш керак. Дўқонларимизда бойитилган ун (биринчи навли ва Қозғистон ун) ҳамда бойитилган ундан тайёрланган нон сотилади. Аммо баъзан оилалар фақат нонвойхоналардан нон харид қилганлари учун нонвойхона ҳам фақат шу унни ишлашга, дастурхонимизга кўрқ бағишлаётган ҳам азиз неъмат соғлиғимизнинг-да ҳимоячиси бўлади. Қишлоқларда бугдойни ўзлари тегирмондан чиқариб, ун тайёрлашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ишлов жараёнида бугдой ўзидаги моддаларнинг маълум қисмини йўқотди, шаксий тегирмонларда эса бойитишнинг илоҳий йўқ. Шунинг учун бу масала ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Қишлоқларда бойитилган уннинг афзалликларини тарғиб қилиш, зарур стратегияни ишлаб чиқиш аҳоли соғлиғини сақлашнинг яна бир қафлатидир.

Газета "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётларида тарқатилади





Кадрият

Китоб тумани марказидан кунчиқар томонга ўн чақиримча юрсангиз, Хўжаиспароз кишлоғига кириб келасиз, Оксув дарёси бўйида жойлашган бу қадимий ва сўлим кишлоқ кўплаб тарихий воқеаларнинг шохиди бўлган. Кишлоқнинг қабристонидан буюк аллома Хожа Махмуд (Мавлоно Дарвеш Мухаммад) ва етти пирларнинг бири Амир Кулолнинг энг етух халифаларидан ҳисобланган Хожа шайх Шамсиддин Кулол абадий кўним топганлар. Хожа шайх Шамсиддин Кулол сўфийлик тариқати-

нинг ўзига хос тарғиботчиси, мақоматлари гоёат олий, қароматлари бисёр, ҳақиқий аллома бўлганлар. Ул зотни шайх Шамсиддин Парранда деб ҳам аташган. Мавлоно Мухаммад Дарвеш мусулмонлар оламини силсила шарифнинг 21-ўрнидадалар. Бу зоти шариф ўз замонасининг етишсан валийларидан, авлиё, кутблар кутби, силсила шарифнинг йигирма иккинчиси ҳисобланган Абдулбоқи Хожаги Икканегийнинг оталаридир.

дарёга «ғар-ғара» қилиш ва дам уришни маслаҳатлашадилар ва шу «ғар-ғара» кўпги ўғунча (200 - 250 м) масофа оралигидаги сув ҳар қандай даргда шифо бўлишини Аллоҳдан илтижо қиладилар.

Хўжаиспароз кишлоғида Оксув зиёрати йилнинг саратон кириши билан (22 июндан кейин) беш чоршанба кунлари, яъни беш ҳафта давом этади. Ихлос билан сувда ювиниш, айнақса, асаб, бўғин оғриғи, терининг бузилиши каби касалликларга шифо

Ифтихор

Отам Адхам Ҳамдам домла Садриддин Айнийга адабий котиб, бундан ташқари Самарқанд педагогика академиясида таҳсил олиб, рота командири Собир Раҳимов жангчиларига ўзбек тили ва адабиётдан дарс ҳам берганлар. У киши ниҳоятда меҳмондўст, хушчақчақ одам эдилар. Қомил Яшин, Асқад Муҳтор, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров, Шукрулло, Саид Аҳмад, Константин Симонов, халқ артисти Борис Андреев, Сергей Михалков, Азиз Несин, ҳинд шоириси Амрита Притамал, бетақор Зулфия опа ва бошқа кўплаб ижодкорлар уйимизга меҳмон бўлиб келишарди. Ана ўша йиллари адабиётга муҳаббатим уйғорган. Ажойиб устозларнинг дилдан айтган гаплари ҳамон ёдимда.

Юрагимга яқин кишилар

Пўлат ҲАМДАМ

Фафур ҲУЛОМ: — Пўлатжон, русча ўқиганинг етади. Энди ўз она тилингдаги олий ўқув юртига ўқишга кир.

Абдулла КАҲҲОР: — Ўйлақчаларга сув сепишдаги ҳаракатларингдан ижодкор бўлишинг сезилиб турибди.

Саид АҲМАД: — Журналист бўлмоқчи экансан. Танқидий мақолани планлаштиргангдан сира кўшинингиз ёзма. Мен сенга бунга ўз тажрибамдан гапиряман.



Самарқанд шаҳридаги 43-ўрта мактабда ўқиган кезларим Республика радиосининг «Пионер эрталиги» эшиттиришига ёзиб турардим. Ажойиб инсон, таниқли ёзувчи Улмас Умарбеков билан ҳам

ўша ерда танишганман, маслаҳатларига қулоқ тутганман. Мана шу ижодий муҳит адабиётга бўлган иштиёқимни янада қучайтирди. Ҳаётимнинг кейинги йўлларини ҳам ижод билан боғлаш учун Тошкент давлат университетининг журналистика бўлимига (филология факультети тарқибига эди) ҳужжат топширдим. Ўша давлар ниҳоятда қувончли ва изтиробли эди. Танлов жуда катта: бир ўринга камиди ўн киши тўри келарди.

Республикамизнинг машҳур кишилари бўлмиш Хамрокул Турсунқулов, Акмал Пўлат, Саъми Абдуқаҳҳорлар ҳам ўз фарзандларини жойлаштириш билан овора. Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг қизи Хулқар ҳам шу бўлимининг иккинчи ёки учинчи курсида ўқир, имтиҳонларда яқин мададкоримиз ва маслаҳатдошимиз эди.

Абдулла Орипов, Шукур Холмирозоев, Мухаббат Туробова, Бекмироза Махмудов, Санъат Махмудова, Турсун Иброҳимов, Клара Отажоновалар билан тезда танишиб, дўстлашиб олдик. Улар билан имтиҳонларга бирга тайёрланардик. Бахтимиз бор экан, ҳаммамиз талаба бўлдик. Ўқшдан кўра пахта терими қийинроқ бўлган. Лекин бу дамларнинг гашти ўзгача эди. Ўша кунларда Лаъиз Қаюмов, Турсун Собиров, Фузайлов, Каримов, Саида Нарзуллаева, Клара Жумабоева каби ўқувчиларимиз ёнма-ён бўлишарди. Адабиёт майдонига дадил чиққан Пиримкул Қодировнинг «Уч илди» асари кўлимиздан тушмасди. Кўп ўтмай курсдошимиз Шукур Холмирозоевнинг «Оқ отли», «Ун саккизга кирмаган ким бор» асарлари ҳам оғизга тушиб қолди.

Тошкентнинг Лаъзаги ҳам ёйда. Бу ерда шоир Хайридин Салоҳ яшарди. Унинг уйда чинакам мушоира бўларди. Мухтор Худойкулов унга қўшни турарди. Мен, Мухтор Худойкулов, Султон Қўқонбеков, маргилонлик курсдошларимиз Холмат Қурбонов, Назира Холбобоевалар бу хонадонга тез-тез келиб турардик. Маълум сабабларга кўра мен иккинчи курсни тугатиш арасида армия сафига хизматга кетдим. Тўрт йил Корандиз флотиде матрос бўлдим ва фронт қўмондонлигининг «Флаг Родины» газетасига қисминимиз бўйича муҳбирлик қилдим.

Кейинги ҳаётим Самарқанд билан боғлиқ, Самарқанд туманида кўп нусхада чиқадиган «Шарк тонги» газетасида маданият бўлими мудири вазифасида ишладим. Машраб Бобоев ҳам сафимизда эди. Анчагина устозлар билан яқин алоқада бўлдик. Улардан маҳорат ва тажриба ўргандик. Меҳрибон ва талабан Насриддин Зайинов Самарқанд туманининг кўп нусхали «Шарк тонги» газетасининг муҳаррири эдилар. Мен фаолиятимни журналист сифатида шу газетادا бошлаганман. Таниқли ҳажвичи Абдусалом Мухаммадалиевнинг маъсул котиби, камона маданият бўлимининг мудири. Иккаламиз ўсиб келаётган ёш ижодкорлар билан деярли бақамти эдик. Сафимизга Ўткир Раҳмат, Нусрат Раҳмат, Жамол Сирожидин, Нурилла Остон каби ижодкорлар шаклланди. Уларнинг изидан Самарқандда ижод қилаётган Зоҳир Ҳасанзода, Холик Ҳакимов, Тугалбой Музаффаров, Абдулла Нисоров, Эргаш Султонов, Абдурашид Абдурахмонов, Эшқобил Абдиев, Мишарий Ҳўжаевлар кириб келишди. Ҳали ҳам эсимда, Самарқанд кишлоқ, ҳўжалик институтида таҳсил олаётган Нусрат Раҳматнинг «Кунгабоқор» ҳажвий шеърини фахр билан саҳифага қўйган эдик. Ўткир Раҳматнинг болалар ҳақидаги жўшқин шеърлари бизнинг бўлимдан ўтган.

Матбуотда ўтказган қирқ йиллик умримнинг охириги ўн йили Наманганда кечди. Бу мўддат ичида Илхом Раззоқов, Камола Носирова, Алимардон Аҳсий, Сурия Магдеева, Олтинбек Бойбулатов, Валентина Шепанская каби қаламкашларнинг журналистика оламига кириб келишларида озми-кўпми ҳиссам борлиғи мени қувонтиради. Дарҳақиқат, жуда кўплаб устоз ижодкорлар, тенгдош қаламкашлар, шогирдлар билан ҳаёт сўқмоқларидан ўтдик, ўтмоқдамиз. Мустақил Ўзбекистонимиз раванқи йўлида баҳоли қудрат меҳнат қилганимиз, Сафимизда қалам чархлаб юрганларни кўриб қувонганимиз, оғиздан кетиб қолганларини эслаганимизда дилимиз оғрийдди. Ҳаёт эса давом этмоқда.

Хўжаиспарозга келинг

Юсуф ҲАМДАМОВ, филология фанлари номзоди

Бу икки аллома ҳақида халқ орасида турли ривоятлар ҳам юради. Ҳазрати Шайх Шамсиддин ҳақидаги ривоятлар ҳам ўзига хос, қизиқарли. Шайх Сари деган кишлоққа кўчиб боргандан кейин деҳқончилик ва кўҳнадўзлик билан шугулланганлар.

Орадан 10-12 йил ўтгандан кейин бир куни онаси: «Ўғлим, отангизга оқват олиб бори», деб таом солинган идишни бердилар. Ёш Шамсиддин оталарига оқват олиб борсалар, оталари энди хўкизларни кўшдан чиқариб, ўтлатишга қўйиб юборган эдилар. «Ўғлим, оқват олиб келдингизми?», деб сўрабдилар.

«Ҳа, падари бузруквор, сизга оқват олиб келдим», дебдилар ёш Шамсиддин. Оталари хўкизларни ўтлоққа қўйиб, ўғилларига: «Сиз шу ерда ўтириб, хўкизларга қараб туринг, мен пешин намозиға таҳорат олиб келай», деб дала ёнидаги пасткамликка қараб кетибдилар. Ёш Шамсиддин бироз зерикиб, хўкизларни ҳайдаб келиб, қўшга қўшадилар ва ер ҳайдай бошладилар. Шу пайт дарадан иккита аждарҳо чиқиб келибди. Буларни кўрган шайх Шамсиддин ўзларини йўқотмабдилар. Дарҳол Аллоҳга илтижо қилиб, дуо ўқибдилар. Дуоларнинг хосияти билан аждарҳолар уларга бўйсуниб, ҳамла қилолмабди.

Соҳиби қаромат тезда аждарҳоларни бўйнига омон-бўйинтуруғлар илиб, ерни ҳайдашга тушибдилар. Оталари тоат-ибодатни тугатиб, оқватлаиб бўлгач, ер ҳайдаш учун ўғиллари томонга келадилар. Қарасаларки, хўкизлар ўтлаб юрибди, даланинг ҳаммаси ҳайдаб бўлинибди. Бу ҳодисани кўрган оталари чанг ичи-

да наҳотки ўғлим аждарҳоларга ем бўлган бўлса деб ҳайрон бўладилар. Ота Шамсиддинга яқинлашиб: «Эй ўғлим, Сиз не иш қилиб қўйдингиз, бу жониворларга кўп азоб бериб қўйибсиз-ку, бай-бай», деб, омон-бўйинтуруғларни аждарҳоларнинг бўйнидан бўшатиб, уларни қўйиб юборибди. Кейин ўғилларига: «Ўғлим, Аллоҳ сизга қаромат берибдур, энди сиз бу ердан кетиб бошқа бир жойдан макон топишингиз лозим», дебдилар. Ўғли: «Қайга борай, ҳазрати бузруквор?» — деб сўрабдилар.

Шунда ота: «Отингиз қаерга тўхтага ва дарёдан ўтмаса, ўшал жой сизнинг маконингиз бўлади», дебдилар. Шайх Шамсиддин ҳазратлари отга миниб, йўлга тушибдилар. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, бир қишлоқнинг устидан чиқибдилар. Йўл устидаги бир майдонда кекса бир киши пиёз ўтаётган экан.

«Ассалому алайкум, эй бобо, нима қиласиз?», деб сўрабдилар. Ҳалиги киши ёш шайхга қарамасдан: «Пиёз ўтаяпман», деб жавоб берибди. Бу кишининг шайхга қарамасдан жавоб бериши ул зотга малол келибди-да, бир дуо ўқибди. Шунда пиёзнинг ичида бир дона ҳам ўт қолмабди. «Эй болам, не иш қилиб қўйдингиз? Мени Аллоҳнинг зикридан қўйдингиз-ку!» дебди бобо. Шунда Шайх ҳазратлари яна дуо ўқибди ва яна майдонда ўтлар пайдо бўлиб қолди.

«Аллоҳ сизнинг ҳамроҳингиз бўлсин», дебдилар-у, йўлда давом этибдилар. Ҳазрат яна йўл юриб Семакка, ундан кейин бир

қишлоққа етиб келганда, Шайх Шамсиддиннинг (ҳозирги Хўжаиспароз) оти тўхтади. Отини (ҳозирги Оксув) кичик дарёдан ҳайдаса, у юрмабди.

Шунда отаси айтган гаплари ёдига тушибди ва ҳазрати бузрукворим айтган макон шу ер деб, отларидан тушибдилар. Кунлар ўтиб, дарё бўйидаги яқин бир яси тепалик тагидан гор қазиб, макон қилибдилар ва оталарининг касби, яъни кўҳнадўзлик билан шугуллана бошлабдилар. Кейинчалик бу қишлоқни Хўжа Анфароз деб атай бошлабдилар.

«Хўжа — ис» (истед — форсча) «Хўжамиз тўхтадилар» маъносини англатади. «Пароз — Парвоз қиладилар» деган маънони билдиради. Хожа Шайх Шамсиддин атрофидаги барча қишлоқларнинг илм истовчи аҳлига, каттакичка устозлик қиладилар.

Ҳазрати Шайх Шамсиддин ўз билимларини янада ошириш мақсадида Бухорои шарифга бордилар. Бу ерда етти пирларнинг бири Саид Амир Кулолга шогирд бўладилар ва таҳсил оладилар.

Хўжаиспароз қишлоғидан Оксув дарёси оқиб ўтади. Шайх Шамсиддин ҳазрат бомдод намозини адо этиб, Аллоҳга зикр қилиб турганларида, гор олдида қўллариде сув солинган идишлар билан одамлар дуо олиш учун келардилар. Ҳар кун шу аҳвол такрорланар эди. Ҳазрати бузруквор ниҳоятда толиқиб, чарнаб қолаверганларидан кейин ҳазрати Хизр алайҳиссалом ҳозир бўладилар. Сўхбатлари жуда қизиқарли бўлиб, олдиларидаги

бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда қўшни республикалардан ҳам келган турли миллат вакиллари шифо топмоқда. Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон, Украина ва Арабистон каби чет мамлакатлардан келган миллат вакиллари кўпир, асаб касалликларига шифо топганлари ҳақида маълумотлар бисёр...

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин одатда подшо ёки улўф кишилар қўйилган қадмажоларни у жойларда катта-катта бойликлар кўмилган, деган баҳонада тинтув қилишган.

Хўжаиспарозда ҳам биринчи тинтув 1935 йили амалга оширилган. Қабрлар, хонақоҳлар текшириб қўрилади. 1959 йили иккинчи бор тинтув ўтказилди. Қадимшуннос олима Г. Пугаченкова Шайх Шамсиддин қабри атрофидаги мармар тошлар остини қавлаб, тадқиқот ишлари олиб борган. Шу йиллари макбара атрофидаги қабр тошларнинг катта қисми ўрганиш баҳонасида ташиб кетилди. Тошларда Куръони қарим оятлари, шу ерда дафн этилган кишиларнинг номлари битилган эди. Учинчи тинтув 1966 йилда ўтказилди. Бу ерда кўк йўтал бўлганда, тошни қириб, қуқун ичилад, шифо топса бўладиган тош ҳақида қишлоқ одамлари гапириб юришади.

1943 йили Китоб туман ижроия қўмитаси Раис муовини бўлиб ишлаган Маиров деган киши қишлоқдаги 83 та катта-кичик туғларни кесиб, ундан паровозга ўтин қилдиради. Шунда асо тўтни (Шайх ҳазратлари ҳасаларини ерга сукиб

Жаҳонгир МИРЗО чизган сурат



Мутолаа

Ўзбек романи: кеча ва бугун

Санобар БОЛБЕКОВА, олий тоифали ўқитувчи

Матни тушуни ҳеч қачон охирига етмайди.

Х.ГАДАМЕР

Адабиётшунос олим Исомжон Ёқубов «Истеъдод ва маҳорат», «Кулонқаробог оҳанглари», «Ҳозирги адабий жаҳон» каби китоблари билан кўпчиликка таниш. Унинг янги «Ўзбек романи тадрижи» китоби (2006 й) эса хали китобхоналар орасида кенг тарқалиб улгурмаган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, монографияда ўзбек романчилигининг кечаси ва бугуни ҳақида изчил тадқиқотлар олиб боришга ҳаракат қилинган.

«Ўзбек адабиётининг биринчи романи «Ўткан кунлар» тарихий романдир», деб ёзган эди Ойбек. Абдулла Қаҳҳор эса: «Абдулла Қодирий... янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчганда ҳам ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир», дея баҳо беради. Умуман олганда, романчилигимиз Абдулла Қодирийдан бошланганлиги ҳам ўзбек, ҳам хориж олимлари томонидан эътироф этилган. Бироқ унча ҳам адабиётимизда романчилик тажрибалари бўлган эди.

Исомжон Ёқубов китобининг биринчи бўлимини ана ўша тажрибалар, ўзбек романчилиги илдиэлари сув ичиб турган халқ оғзаки ижоди, мумтоз прозаик асарлар таҳлилидан бошлади. Лаъиз Қаюмов фикрича, Ҳамза «Ўзбек адабиёт тарихида романнинг биринчи намунасини, шу термин, шу жанр, шу тушуничи биринчи марта олиб кирган». Унинг уришилари кейинги романнавислар учун тажриба вази фасини ўтаган. Абдулла Қодирий ижодий мактаби эса нафақат ўзбек адабларига, балки бошқа халқлар вакиллари М.Авезов, Ж.Икромий, Б.Керобоев, Х.Деревяев сингари ёзувчилар ижодий камолотиға ҳам самарали таъсир этган. Насримизнинг тадрижиға катта ҳисса қўшган Чўлпон, Ойбек каби ижодкорлар романлари таҳлили ҳам биринчи бўлимдан жой олган.

Китоб мутолаасида давом этар эканмиз, кейинги йилларда чоп этилган ўзбек романлари таҳлиliga дуч келамиз: «Ишқ аҳли» (О.Мухтор), «Отандан қолган далалар» (Тоғай Мурод), «Мувозаанат», «Исэн ва итоат» (У.Ҳамдам), «Тилсим салтанати» (С.Вафо) каби

романлар насримизда воқеа бўлганлиги олим томонидан мисоллар асосида исботлаб берилди. Проэзамида мистик-фантастик асарларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу йўналишдаги «7-СЭР», «Ренэ жумбоғи», «Туғаш оламлар», «Икки жаҳон овораси» каби асарлар муаллифи Х. Шайхов ижоди роланнинг учинчи бўлими таҳлил объекти ҳисобланади.

Ўзбек романчилиги тадрихи монографиясининг эътиборли томони шундаки, унда романчилигимиз тизимли тарзда тадқиқ этилган. Олим ўзбек романчилигини бир бутунликда, яхлит тарзда аналгаша интилади. Китобда ҳозирги ўзбек романларидаги нореалистик изланишлар жанрнинг ички динамикаси, миллий-эстетик тафаккур ривожини билан узвий боғлиқлиги О.Мухтор, Э.Самандар, Х.Шайхов, Т.Мурод, Ш.Бўтаев, С.Вафо, У.Ҳамдам сингари турли авлодга мансуб носирлар ижоди мисолида кузатилади.

Монография адабиётшунослигимизда баъзи кенгликларни тўлдирди, деб ўйлаймиз.

Хабар

Журналистлар малака оширадилар

МУХБИРИМИЗ

Фаргона политехника институтида вилоят оммавий ахборот тахририятларининг муҳаррирлари ва бошқа етакчи журналистлар билан иқтисодийёт бошқармаси ҳамда маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими масъул ходимларининг ўзаро мулоқоти бўлиб ўтди.

Иқтисодийёт бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Баҳодир Жалолов журналистларга вилоятнинг 2006 йил бўйича ижтимоий-иқтисодий ислохотлар якунлари ҳақида сўзлаб берди. Маълум бўлишича, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қизгин кечаётган ислохотлар боис, ривожланиш кўрсаткичлари йил сайин юксалиб бормоқда. Бунга саноат ва қурилишда ҳам, кишлоқ ҳўжалиги ва халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам кўриш мумкин.

Бирок журналистлар асосий эътиборни бундан уч ой олдин бўлиб ўтган халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликларга қаратишди. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб кетган ёхуд умуман тўхтаб қолган корхона-

ларни қайта ишга солиш, хорижий инвестиция ишларини кенгроқ жалб этиш кўшимча ишчи ўринларини яратиш ва, шунингдек, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик муаммолар бўйича қандай амалий тадбирлар ишга солинаётгани билан қизиқишди.

Вилоят ҳқимлигининг маданий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Ҳамиджон Адбўраҳимов, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулла Зоҳидовлар билан мулоқот янаям жонли кечди. Учрашув иштирокчилари маърифий-маънавий тарғибот ишларини қучайтириш, ёшларни истиклол гоёлари руҳида тарбиялаш билан боғлиқ ишлар ва муаммоларга тўхталишиб, вилоят оммавий ахборот воситалари эътиборини бу масалаларга кенгроқ жалб этиш бўйича мулоҳаза ва тақлифлар билдиришди.

Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими вакили яқин орада бир гуруҳ фарғоналик журналистлар малака ошириш учун йигирма кунлик мўддатта Тошкентга боришларини маълум қилди. Улар республика етакчи журналистларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий мавзуларни ёритиш бўйича иш тажрибалари билан яқиндан танишадилар.

Эълон

«VATANPARVAR YOSHLAR» шўъба қорхонаси устоз жамғармасини 2.000.000 сўмдан 503900 сўмга қамайтиради. Эътирозлар эълон чиққан кундан эътиборан 1 ой ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон. 58-74-55

Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, ЎзДЖТУ профессори Файзулла Мўминовга волидаи муҳтарамаси Фароғат аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

HURRIYAT newspaper advertisement with contact information, subscription rates, and office details.